



## ИБРАТ НОМИДАГИ ИНСТИТУТ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Ҳар касб пеша қилгил, бўлмас сенга амал қут,  
Бекасб ўтсанг, Ибрат, муҳтожси нон ўлдурсан.

Ушбу сатрлар муаллифи Исоқхон тўра Ибрат ўзининг ибратли ҳаёти ва беқиёс ижод маҳсули билан ўзбек халқига бой мерос қолдирган.

### Муҳиддин ИМОМАДИЕВ

Ёшлик чоғидан ҳаётини илмга бағишлаган тўрақўрғонлик Ибрат Қўқон адабий муҳитидан катта сабоқ олди. Муқимий, Фурқат ва Завқийлар билан дўстлашиб, тенглашиб ижод қилди. Жаҳон тилларига бўлган қизиқиши туфайли дастлаб араб, форс тилларини ўрганди. Ўз қишлоғига қайтган чоғида, яъни 1886 йилда мактаб очди. Лекин чор Россияси мулозимларининг қаршилик қилиши боисидан мактаб ёпиб қўйилди. Шундан сўнг Исоқхон Ибрат узоқ сафарга отланиб, бир неча йиллар Туркия, Эрон, Миср ва Арабистонда яшади. Кейин Қизил денгиз орқали Ҳиндистонга ўтиб, тўрт йил атрофида у ерда яшаб қолди ва ҳинд, урду, француз, инглиз тилларини мукамал ўрганди. Шу билан биргаликда қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини қунт билан ўзлаштирди, турли элат ва миллатларнинг турмуш тарзи, тарихи ва маданиятини ўрганди.


Ноб ҳунар эгаси бўлган Исоқхон масжид-мадрасалар пештоқига, қабр тошларига нақш солиш ва хаттотлик қилиш билан кун кечиради. Бу билан у илм ва ҳунар эгаллаган киши ҳеч қерда хор бўлмастлигини ўз ҳаёти мисолида исботлаб берди.

Ўтган йиллар давомида республика Президентининг Исоқхон тўра Ибратга нисбатан ҳурмат ва эҳтироми рамзи сифатида Тўрақўрғон туманида боғ бунёд этилиб, унга туташ ҳудудда хорижий тилларга ихтисослашган ижод мактаби қад ростлаган эди. Айни пайтда ушбу мактабни битириб чиққан юзлаб йигит-қизлар олий ўқув даргоҳларида таълим олмоқда.

Ўтган йили 9 июнда Президентимизнинг Исоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институти ташкил этиш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинган эди.

Яқинда Тўрақўрғон туманининг баҳаво жойидан ажратилган беш гектар майдонда олий ўқув даргоҳининг қурилиши бошлаб юборилди. Мазкур олийгоҳда 1000 ўринли ўқув биноси, 400 ўринли талабалар тураржойи, 100 ўринли Ахборот кутубхона маркази ҳамда 250 ўринли фаоллар зали қурилиши режалаштирилган.

Миллат фидойиси даражасига кўтарилган Исоқхон Ибратга эҳтиром рамзи сифатида бунёд этилаётган мазкур олийгоҳдан келажақда буюк бобомиз орасидаги илм ва тафаккурга эга бўлган ёшлар етиштирилади, албатта.



### Муносабат

## КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига таширфини Баҳоуддин Нақибанд мақбарасини зиёрат қилишдан бошлади.

Дастлаб мажмуа атрофида режалаштирилган қурилиш-таъмирлаш лойиҳаси қўриб чиқилди. Лойиҳа билан танишиш жараёнида Президентимиз томонидан Баҳоуддин Нақибанд мақбарасига Тоқи миёна дарвозасидан боғрувчи тарихий йўлакни тиклаш, Дониёлбий мадрасасини таъмирлаш, таҳоратхона ва музей барпо этиш тақдирлари берилди.

Давлатимиз раҳбарининг зиёрат туризми учун шароитларни кенгайтириш, хориждан Бухорога тўғридан-тўғри қатновлар ва замонавий меҳмонхона ташкил этиш бўйича кўрсатмалар бергани келажақда вилоятимизда ички ва ташқи туризмнинг янада ривожланишидан дарак беради. Бу мамлакатимиз иқтисодий ва мадҳеи ошишига ҳамда янги иш ўринлари яратилиши учун ҳисса қўшади.

Шунингдек, Президентимиз вилоятнинг Когон туманидаги "Сиевш текстил" корхонаси фаолияти билан ҳам танишди.

"Бу Янги Ўзбекистондаги янги йўналиш. Юртимизда тўқимачилик саноати ривожланыпти. Агар корхоналар қўшилган қиймат яратиш, даромадини ошираман деса, қисман ақрил ишлатишига тўғри келади. Ундан тайёрланган маҳсулот қиймати 5 баробар ошади. Бу — манфаатдорлик, барқарорлик, одамларга иш ўрни, дегани. Шунинг учун давлат пахта қайта ишлашга қанча кўмакдош бўлган бўлса, энди сунъий тола ишлаб чиқаришга ҳам шундай ёрдам беради", деди Шавкат Мирзиёев.

### ҚУЁШЛИ ХОНАДОН ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ФУҚАРОЛАРГА СУБСИДИЯ БЕРИЛДИ

Мамлакатимизда 967 нафар жисмоний шахсга апрель-июль ойлари учун қуёш панелида ишлаб чиқарилиб, ягона электр энергетика тизимига узатилган ҳамда тизимдан истеъмол қилинган электр энергияси ўртасидаги ижобий тафовут (348 минг кВт/соат)дан келиб чиқиб 348 миллион сўм субсидия ҳисобланди ҳамда тўлов учун тасдиқланди.

Субсидиянинг энг катта қисми қорақалпоғистонликлар учун ҳисобланган — 103,6 миллион сўм. Ундан кейинги ўринлардан Хоразм вилояти (70,5 миллион сўм), Тошкент шаҳри (35,6 миллион сўм), Жиззах (30,9 миллион сўм) ҳамда Навоий (27,8 миллион сўм) вилоятлари жой олган. Субсидияни "Soliq" мобил иловасининг "Кешбэк" бўлимидаги "Картага пул ўтказиш" ойнаси орқали банк картасига ўтказиб олиш мумкин.

Қуёш панеллари фуқароларга 20-25 йил давомида хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, эҳтиёждан ортган қисмини электр тармоқлари корхонасига сотиб даромад қилиш ҳам мумкин.

### КЕЛГУСИ 7 ЙИЛДА СУВ ИШЛАТИШ САМАРАДОРЛИГИ 25 ФОЙЗГА ОШИРИЛАДИ

"Ўзбекистон — 2030" стратегияси бешта устувор йўналишининг учинчиси ҳам айнан сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган мақсадларни ўзида жамлаган. Хусусан, стратегия лойиҳасида сув ишлаш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, барча экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга, ички суғориш тармоқларининг 50 фоизини ёпиқ қувурли суғориш тизимларига ўтказиш мақсад қилинган.

### "MADE IN UZBEKISTAN"

— Мен сизга Озарбойжон ширинлигидан олиб келинг дегандим, сиз Ўзбекистонникидан олиб келибсиз, — деди-да, чиройли қоғозга чиройли қилиб ўралган бир ширинликни кўрсатди.

— Йўқ, алдаганим йўқ. Бокунинг қоқ марказидаги супермаркетдан олдим.

Умар бўш келмади.

— Мана, "Made in Uzbekistan" деб ёзиб қўйибди-ку.

Олиб ўқиб кўрсам, Умарнинг гапи тўғри, Тошкентимизнинг Янгиҳаёт туманида ишлаб чиқарилган экан.

Нима дейишимни билмай қолдим. Ўзимни оқлаш йўлини қидирдим.

— Ҳечқиси йўқ, мана, булари Озарбойжонники-ю, — дедим.



### Худудлардан хабарлар

## ИШЧИ ГУРУҲИ ВАКИЛЛАРИ ЖОЙЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ноира Жонибекова Самарқанд вилоятининг Янгиер шаҳри ҳамда Ховос туманларида бўлиб, бир қатор тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишди.

Ҳар бир корхонадаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларга биргаликда ечим изланди. Айрим масалаларни бартараф этиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга депутатлик сўровлари юбориладиган бўлди.

Қонунчилик палатаси депутати Ховос туманида тиббиёт тизимини ҳам ўрганди. Тиббиёт ходимлари дуч келётган муаммоларга тегишли ташкилот вакиллари билан биргаликда ечим изланди.

Юзма-юз мулоқот давомида Ховос тумани тиббиёт бирлашмасининг туман марказидан узоқлиги аҳолига ноқулайликлар келтириб чиқараётгани айтилди. Ушбу муаммонинг ечими сифатида муассасани туман марказига кўчириш тақлифи берилди.

Депутат Н.Жонибекова мазкур учрашувлар давомида Ховос туманидаги 3-сонли мактабгача таълим муассасасида ҳам бўлди. Тарбияланувчиларга яра-

тилган шароитлар билан танишди. Айрим муаммоларга тегишли ташкилот раҳбарлари билан биргаликда жойида ечим топди.

Халқ вакили Янгиер шаҳридаги "Абдурахмон Жомий" МФИда ҳам бўлиб, маҳалла бешлиги фаолияти билан танишди. Бу ерда тадбиркорлик фаолияти, ҳудуддаги аҳоли бандлиги билан қизиқди. "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га қиритилган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича қурилаётган чоралар билан танишди.

Суҳбат давомида мамлакатимизда кейинги йилларда олиб борилаётган ислохотлар, эришилган ютуқлар ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Музаффа Абдиева Самарқанд вилоятининг бир қатор туманларида аҳоли вакиллари, тадбиркорлик субъектлари, маҳалла фаоллари билан мулоқотлар ўтказди.

Дастлаб депутат Самарқанд туманидаги "Мастер Прайм Жиангсу" МЧЖ қўшма корхонасида бўлди. Ушбу корхонада

35 та иш ўрни ташкил этилган бўлиб, йиллик товар айланмаси 6 миллион сўмини, йиллик бюджет тушумлар эса ўртача 720 миллион сўмини ташкил этади.

Учрашувда депутат кейинги йилларда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, уларга берилаётган имкониятлар ҳақида атрофлича маълумотлар берди. Бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилангани ва бунда яхлит тизим шакллантирилгани, улардан барча бирдек фойдаланиш имкониятига эга бўлганини таъкидлади.

Шунингдек, депутат тумандаги "Мино мастер пласт" МЧЖда ҳам бўлди. Ушбу корхонада икки сменада иш ташкил этилган ва 30 нафар маҳаллий йигит-қизлар иш билан таъминланган.

Шундай учрашув тумандаги "Гулбод" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлди. Урганиш давомида "маҳалладаги бешлик", хотин-қизлар ва жамоатчилик билан мулоқот ўтказилди.

Қонунчилик палатаси депутати Жомбой туманида ҳам корхона ва ташкилотларда бўлиб, аҳоли билан мулоқот ўтказди, аҳолининг муурожаатларига тегишли идора вакиллари билан биргаликда ечим топди.

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ МУҲИМ

Сўнги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликда амалга ошириш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.



**Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари**

Бугунги кунда давлатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

бирлар кўрилиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда.

ва шаффофликни таъминлаш учун «Электрон одил судлов» тизими жорий этилди. Аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими, Advice.uz ҳуқуқий маълумотлар тизимининг имкониятларини кенгайтириш ҳамда фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар хизмати кўрсатувчи «Мадад» нодавлат-нотижорат ташкилотини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг Олий Комиссари бошқармасига аъзо бўлганлиги инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро талабларни бажаришга сидқидилдан киришганлигини кўрсатади.

Чунончи, сўнги йилларда бир қатор қонунлар такомиллаштирилди. Жумладан, қонунчилигимизни БМТнинг «Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенцияси» (Нью-Йорк, 1984 йил, 10 декабрь) талабларига мослаштириш мақсадида Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин. Айнан, ушбу масала 2021 йил 26 июндаги Президент қарорининг 6-бандида алоҳида топшириқ қилиб берилган эди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида маъмурий, жиноят-ижроия қонунчилиги такомиллаштириб борилмоқда ҳамда инсонпарварлик тамойилига янада мослаштирилмоқда. Афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг кафиллиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Жаслик қўрғонида жойлашган ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши муҳим инсонпарвар воқеалик бўлди. Қабул қилинаётган чора-тадбирлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сони 2,5 баравар камайди.

Ўзбекистон халқаро нормаларга мувофиқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги Бутунжаҳон дастурида фаол иштирок этиб келмоқда. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси» ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қондаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурининг ижроси юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари аҳоли орасида умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва риоя қилиш тамойилларини оммалаштиришга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишини таъминлаш жараёнига кенг жалб этилган.

Шу билан бир қаторда суд жараёнида тенглик ва тортишув тамойилларини тўлиқ жорий қилиш, адвокатурани мустақил, ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилувчи институтга айлантириш, малакавий юридик ёрдам сифатини ҳамда адвокат касбининг нуфузини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ихтисослашган ҳуқуқшуносларни тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. Фуқароларни тенгсизликнинг ҳар қандай кўринишларидан ҳамда

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг такомиллаштирилиши бу борада олиб борилаётган сиёсат ва ислохотларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутаяди.

Шунингдек, судларда ишларни кўриб чиқишда адолатни, оқилоли

аҳолининг заиф қатлам вакилларини камситишлардан ҳимоя қилиш тизими йўлга қўйилди. Инсон ҳуқуқлари ва гендер масалалари бўйича узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, жамиятда қонунга ҳурматни шакллантиришнинг замонавий усуллари жорий этиб борилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг такомиллаштирилиши Омбудсман фаолиятини ҳам самарали амалга оширишга замин яратмоқда. Сўнги йилларда Омбудсман фаолиятининг мамлакатимиздаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ислохотларда сезиларли даражада ривожланаётганлигини кўришимиз мумкин.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши ҳамда унинг амалда олий қадриятга айланиши Омбудсман фаолиятининг асосларидан бирига айланиб, фуқароларнинг муносабатлари билан ишлаш унинг фаолиятида асосий ўринни эгаллади.

Мамлакатимизда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам инсон ва унинг қадр-қиммати, ҳуқуқий манфаатлари ва эркинликлари бош мезон қилиб олинган ҳамда бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларимизнинг асосий ҳужжати бўлди.

Шунингдек, жамоатчилигимиз ва халқимиз билан кенг муҳокама-ларда билдирилган тақлифлар асосида ишлаб чиқилган ва Референдум орқали қабул қилинган Ўзбекистоннинг янги тахрирдаги Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид нормалар сони 3,5 баробарга ошди ва инсон ҳуқуқи ва эркинликларига оид бу нормалар янги тахрирдаги Конституция-миз матнининг қарийб 50 фоиздан ортигини ташкил қилди. Асосий қону-нимизга «Миранда қоидаси», «Хабиев корпус» институти каби янги ҳимоя воситалари киритилди. Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотларнинг изчиллигини, ортга қайтмаслигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда демократик янгиликлар йўлида илдам одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улуг мақсади, энг аввало, халқимизни рози қилиш ҳамда инсон қадрини улуглашга қаратилган, десак адашмаган бўлаемиз.

Айтиш жоизки, бугунги кунда инсон ҳуқуқи ва эркинликларига доир қонунларимиз етарли даражада халқаро нормаларга мувофиқ такомиллаштирилди ҳамда қабул қилинган қонунларимизнинг тўлиқ ижроси ва қонун устуворлигини таъминлаш барчамизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолиши керак.

## Улуғ айём — ҳаётбахш руҳ нафаси



**Тоир САМИЕВ, халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгаши депутати, журналист**

Айни кунларда кўп миллатли халқимиз Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган улуг айёмни баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Ҳақиқатан ҳам, қарорда таъкидланганидек, 1991 йил 31 август кун халқимиз ўз Ватани, тақдир ва келажакга ўзи эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси — янги суверен ва мустақил давлат пайдо бўлди.

Ўтган тарихан қисқа вақт давомида элимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти билан миллий ўзлигимиз, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, эзгу қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланди, давлат ва жамият ҳаётининг туб асослари ўзгариб, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Қарорда кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттириш, барча соҳа ва тармоқлар ривожини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бугунги кунда юртимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро эркин ва фаровон яшайдиган янги жамият ва давлат барпо этилаётганлиги алоҳида қайд қилинган. Чиндан ҳам бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётдаги муҳим воқеалар, хусусан, янги тахрирдаги Конституциямизнинг қабул қилиниши эл-юртимиз Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётганини яна бир бор яққол тасдиқлади.

Айниқса, иқтисодий тармоқларини жадал ривожлантириш ва тадбиркорликка кенг йўл очиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тиббий хизматлар ва таълим сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, юртимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлида эришаётган натижаларимиз тобора яққол намоён бўлмоқда, уларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида сезмоқда, хис этмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллигини Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт даражаси, шону шуҳратига мос ҳолда муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш мақсадида эса қатор тадбирлар белгиланди. Жумладан, "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури тасдиқланди. Шу мақсадда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, "уч авлод учрашуви" тадбирлари, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, миллий кино кунлари, гастрономик фестиваллар, сайиллар, маданият ва спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Шунингдек, атқоли илмфан намояндалари, маданият ва санъат арбоблари, танқил спортчилардан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилиб, учрашув ва тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда. Жойларда Мустақиллик байрамини юртдошларимизнинг талаб ва истаклари асосида, янги тахрирдаги Конституциямиз мазмун-моҳияти ва "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг асосий устувор йўналишлари доирасида белгиланган туб ислохотлар ҳақида маҳаллалар, таълим ва меҳнат жамоаларида маърифий учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда "Ҳар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажак учун пойдевор" деган ҳаётий шорнинг моҳияти очиб берилмоқда.

Мустақиллик байрами муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, меҳнат фахрийлари, нуруний отахон ва онахонларимиз, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри", "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Эшлар дафтари", "Меҳр дафтари"га киритилган ҳамда эътибор ва қўмак муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш билан боғлиқ янги тадбирлари амалга оширилди. Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётни асраш, унинг мустақиллиги ва барқарорлигига муносиб ҳиссамизни қўшиш ҳар биримизнинг, шу азия Ватанда яшайётган барча фуқароларнинг энг асосий вазифаларидан бўлиб қолмоғи лозим.

## КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

1 Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бу жой илгари унумсиз, бўш турган майдон эди. Тадбиркорларга шароит яратиш мақсадида ҳудуд "Ғиждувон" эркин иқтисодий зонасига киритилиб, зарур инфратузилма пайдо бўлган, бу ерда саноят вужудга келди.

тикувчилик устахоналари, меҳмонхона ва рестороанлар бор. Уларда маҳаллий ёшлар майдон эди. Тадбиркорларга умуман айтганда, маҳаллада ишсиз одам йўқ, ўтган даврда биронта жиноят содир этилмаган.

Хусусан, "Сиевүш текстил" масъулияти чекланган жамиятининг 36 миллион долларлик лойиҳаси ўтган ойда ишга тушди. Унда йилга 40 минг тонна акрил ип-калага йиғириш қуввати ва 600 та иш ўрни яратилди.

"Обод маҳалла" дастури асосида инфратузилма яхшиланди. Хусусан, ички йўллар асфальтланиб, пидедалар йўлаклар курилган. Трансформатор ўрнатилиб, электр тармоқлари янгиланди.

Хозирги корхона лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, айни пайтда хорижлик ҳамкорлар билан корхона фаолиятини кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда. Режага кўра, кейинги босқичда акрил тола ҳамда ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тўлиқ маҳаллийлаштирилади. Жами иш ўрни сони 1 минг 200 тага етади.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳаракат қилган оиланинг бири икки бўляпти. Халқимиз бизга катта ишонч билдирди. Янада ўзгаришларни, янги ташаббусларни кутаяпти. Бу жуда юксак масъулиятдир.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ромитан туманидаги "Қахрамон" маҳалласида бўлиб, хонадонларга кирди, аҳоли турмуши билан яқиндан танишди.

Давлатимиз раҳбари мазкур тумандаги "WBM Ромитех" корхонаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Корхона миқёси жиҳатидан ҳам, салоҳияти жиҳатидан ҳам улкан. Лойиҳа қиймати 93 миллион доллардан зиёд. Унинг жами ҳудуди 20, ишлаб чиқариш майдони 7 гектар.

Бу ерда 3 минг 900 нафарга яқин аҳоли яшайди. Маҳалланинг драйвери хунармаңдлик ва иссиқхона ҳўжалиги дейиш мумкин. 200 гектар майдондаги иссиқхоналарда бозорбоп сабзавотлар етиштириб сотилади. Шунингдек, мебеласозлик, тикувчилик, зардўзлик яхши ривожланган.

Туркия ва Германиядан илғор усуналар келтириб ўрнатилган. Шу тариқа йилига 25 минг тонна ип-калага тайёрлаш қуввати ва 1000 та иш ўрни яратилган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай корхонанинг бўлиши қувонарли. Бунга давлат инфратузилма, маблағ, имконият жиҳатидан қўмақлашди. Энг катта натижа 1000 нафар хотин-қизларимиз ишли бўлганидир.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 10 январдаги "Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж санотини тубдан ислох қилиш ҳамда соҳа-



**Мақсуд ҲАМИДОВ, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати, "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси**

нинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бундай корхоналарга катта мадад бўлди. Жумладан, уларга револьвер кредитлаш асосида айланма маблағ ажратилгани ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлади.

Буллар — Вобкент туманидаги "Вобкент топа кластер", Қорақўл туманидаги "Қорақўл кумуш калава", Қоровулбозор туманидаги "Бухоро реал мото", Бухоро шаҳридаги "Экваториал чодак", Когон шаҳридаги "Кончи" ва "Пром текстил", Ғиждувон ва Пешку туманларидаги ёғмой корхоналари, Бухоро шаҳридаги меҳмонхона ва Бухоро туманидаги тиббиёт бирлашмасидир.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида тайёр мато ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Мўҳими, бу туфайли қишлоқда 3 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Президентимиз ташрифи давомида вилоятдаги янги саноят, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа мажмуалари ишга ту-



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:** Бугунги кунда мамлакатимизнинг қай бир нуқтасига борманг, барчасида бирдек янгилашлар, юксалишлар бўлаётганини кўрасиз. Мамлакатимизда амалда оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар замирида партиямиз депутатларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси гоя ва мақсадлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган шундай депутатлар орасида Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши таркибидан 1 нафар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, 5 нафар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, 60 нафар халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларининг ҳам борлиги гоятда қувонарли.

Фуқаролар ҳолидан хабар олиш, халқ орасига кириш, уларнинг дарду ташвишларини эшитиш ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга имкон қадар тезроқ ечим топиш ҳар бир депутатнинг ўз сарфидидаги кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиши кундалик иш тартибига айланган. Ўрганиш ишлари давомида депутат сайлов округи доирасидаги барча кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар турмуш тарзи билан яқиндан танишиб, ҳар бир оила билан уларни

қийнаб келаётган муаммолар юзасидан суҳбатлашади. Аниқланган муаммолар таҳлил этилиб, керакли амалий ёрдам кўрсатилади. – *Хасталик туфайли меҳнат қилиш лаёқатини йўқотганман. Оила боқувчиси сифатида бундай вазиятда ўз-ўзидан оилавий шароитимиз оғирлашди. Депутатимиз менинг ҳолимдан хабар олиш чоғида оилавий аҳолигимизни ўрганиб, вазиятимизни ҳисобга олган ҳолда даволанишим учун дори-дармонларга етarli маблағ ажратилишида кўмаклашди. Мен ва оиламга кўрсатилган ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз.* – дейди Тўрткўл тумани “Богоён” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Мақсуд Искандаров. Жорий йил бошидан бери депутат ўз сайлов округидаги Мақсуд

Искандаров сингари бир қанча кўмакка муҳтож инсонларнинг оғирини енгил, мушкулларини осон қилиб келмоқда. Худудларда бу каби жонқуяр депутатларимиз талайгина. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Гулхатиа Айимбетова ва халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати Айша Абдреймова ижтимоий ҳимояга муҳтож юрдошларимиз қалбига қувонч улашиш мақсадида хайрия ишларига бош-қош бўлишга етган бўлса, халқ депутатлари Элликқалъа туман Кенгаши депутати Камелия Юлдашева туманидан шундай оилалар ҳолидан мунотазам хабар олиниб, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш бўйича қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кам таъминланган оила-



лар фарзандларига кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Қолаверса, депутатлар фаоллиги туфайли жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг доимий комиссия мажлисларида 47 масала кўриб чиқилган бўлса, сессия кун тартибига 48 масала киритилган. Лавозимли шахсларнинг 17 мартаба ҳисоботлари тингланган. Шунингдек,

сайловчилар мурожаатлари асосида 63 депутатлик сўровлари чиқарилган. Албатта, депутатлар томонидан сессия ва мажлисларда кўриб чиқилган масалалар, мутасаддиларга юборилган депутатлик сўровлари – буларнинг ҳаммаси аҳоли муаммоларини ечиш, оғирини енгил қилишга хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

Худудлардан хабарлар

Аёлларни зўравонликдан ҳимоялаймиз

“Адолат” СДП Яқкабоғ туман кенгаши хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида партиянинг “Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи” лойиҳаси доирасида “Аёлларни зўравонликдан ҳимоялаймиз” ишiori остида тадбир ўтказди. Унда партия фаоллари, депутатлар, корхона-ташкилотлар ва муассасаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар, 30 дан зиёд маҳаллалар вакиллари иштирок этди.

Урол УМАРОВ, партия фаоли

“Исаг” МФЙ да бўлиб ўтган тадбирда партия фаоли Гулноза Ражабова маъруза қилди.

– Янги Ўзбекистонда хотин-қизлар учун кенг имкониятлар яратилаяпти, – деди Гулноза Ражабова. – Айниқса, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилаяпти. Жумладан, партиямиз томонидан ўтган ойда 90 дан ортиқ хонадонлар ҳолидан хабар олинди, 30 дан ортиқ аёллар ижтимоий фойдала меҳнатга жалб этилди. Келишмовчиликлар юзга келган 6 та оиладаги муаммоларга депутатлар ва масъул идоралар ҳамкорлигида ечим топилади.

– Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳақида гап кетганда, энг аввало, бу ҳуқуқни таъминлаш долзарблигини тушунтириб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга, – деди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Дилбар Мусаева. – Тўғри, кейинги йилларда ички ишлар органларига хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари юзасидан келиб тушаётган мурожаатлар бирмунча камайган. Бироқ зўравонликка учраган аёлларнинг жуда кам қисми тегишли жойга мурожаат қилиши, уларнинг аксарияти кўрқув ва бошқа сабаблар билан тазйиқларга тоқат қилишга мажбур эканини ҳам унутмаслигимиз керак. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, аёлларга нисбатан зўравонликларнинг кўпчилиги оилада содир этилган. Шунинг учун ҳам маҳаллаларда хотин-қизлар зўравонлигига қарши оилаларда кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб бораётишимиз. Қабул қилинаётган қонунлар, давлатимиз раҳбари томонидан имзоланаётган фармон ва қарорлар мазмун моҳияти аҳолига тўғри тушунтириляпти. Шунинг учун ҳам туманимизда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликлар камаймоқда.

Юзма-юз мулоқот шаклида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари борасидаги қонунларни қабул қилган санақчи давлатлар қаторига кириши таъкидлаб ўтилди.

Бетон қопламалари ётқизилмоқда

“Адолат” СДП Бухоро вилояти кенгаши депутати Мархабо Пардаева “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Рахматилло ҲАЙИТОВ, Ромитан туман кенгаши раиси

Учрашувда тумандаги “Бобур” МФЙ худудидаги “Алпомиш” кўчасида бажарилиши зарур бўлган ишлар фуқаролар таклифларига асосан белгилаб олинди.

Унга кўра, “Алпомиш” кўчаси худудидаги ички йўллари асфальтлаштириш масаласи биринчи ўринда қайд этилди.

Депутат ташаббуси билан обodonлаштириш ишлари тезликда бошлаб юборилди. Шу кунларда кўчадаги 1 километрик ички йўллари бетон қопламалари ётқизиш ишлари қизгин давом этмоқда.


САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ:** Бугунги кунда кўпчилик фуқаролар мавжуд муаммоларига ечим топиш мақсадида, энг аввало, ўзларининг ишончли вакилларига юзланишни маъқул кўришмоқда. Маҳаллий кенгаш депутатлари кундан-кунга аҳолининг энг яқин кўмакчисига айланиб бормоқда, десак муболага бўлмайди. Бу ўз-ўзидан жамиятда депутатларга нисбатан ишонч ҳиссининг тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Ишончга сазоворлик эса улкан масъулият ва сидқидилдан қилинган меҳнатлар маҳсулидир.

Депутат ўз ваколатлари доирасида аҳоли оғирини енгил қилиш ҳаракатида экан, бу йўлда халқ билан самимий, дўстона муносабат муҳитини яратиб олиш лозим. “Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлари ҳам ана шундай муҳит яратиб олган халқнинг ишончли вакиллари ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда партия аъзолари сони 49674 нафарни ташкил этиб, улар 785 та бошланғич партия ташкилотларига бирлашган. Депутатлар уларнинг ҳар бири билан бирма-бир учрашиб, муаммо ва камчиликларини тинглашга, аниқланган муаммоларга муносиб ечим топишга ҳаракат қилишади.

Бугунги кунда “Адолат” СДПдан сайланган халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашида 7 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида жами 42 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган 6 ойида депутатлар томонидан турли масалалар юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқарув органларига жами 198 та депутатлик сўровлари юборилган. Депутатлик сўровларининг 99 тасининг тенг ярмига тегишли масъул ва мансабдор шахслар томонидан қисқа вақтда муносабатлар билдирилиб, муаммолар ижобий ҳал этилишига эришилган.

Жумладан, Нурота тумани “Амир Темур” МФЙда яшовчи фуқаро “Истиклол Тиллабой” фермер ҳўжалиги раҳбари Акмал Раҳимов партиянинг Нурота туман кенгаши депутати С.Бўстоновга ўзига тегишли ер майдонида қудуқ қазиб бериш ва насос ўрнатилиши борасида ёрдам беришни сўраб мурожаатнома йўллаган. Депутат мавжуд вазиятни ўрганиб чиқиб,



Нурота туман “Қорақўлчилик кластери” бошлиғига депутатлик сўрови юборди ва қисқа вақт орасида кластер раҳбари томонидан фуқарога қудуқ қазилиб, сув чиқариб, субсидия асосида насос ўрнатиб берилди. Оила аъзолари ўзларини анчадан буён қийнаб келаётган муаммо депутат кўмагида ҳал бўлганидан хурсанд.

Шу ўринда халқ депутатлари Конимех туман Кенгаши депутати Олия Бахромова фаолияти ҳам алоҳида эътиборга молик. Депутат ўз сайлов округи ҳисобланган “Наврўз” МФЙда яшовчи, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор хотин-қизларнинг ҳеч бирини эътибордан четда қолдирмайди. Уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олади. Биргина жорий йил бошида қиш мавсумининг кескин совиб кетганлигини ҳисобга олиб, депутат томонидан “Наврўз” МФЙда яшовчи ногиронлиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъ-

минланган 3 оиланинг яшаш шароитидан келиб чиққан ҳолда, мазкур оила фарзандлари иссиқ кийимлар билан таъминланди. Қолаверса, депутат саҳоватпеша ҳомийлар кўмагида маҳалладаги эҳтиёжманд хотин-қизларга 3 турдаги қарийб 20 миллион сўмлик қурилиш молларини етказиб бериш ишларига бош-қош бўлди. Кези келганида шунини алоҳида эътироф этиб ўтиш кераки, Олия Бахромова халқимизнинг “Қурбон хайити”, “Рамазон хайити” каби улўғ айёмларида “Наврўз” МФЙда яшовчи, ногиронлиги бор фуқаролар Зиядулла Пардаев, Ҳиммат Бақоева ва Шернияз Пирманов ҳолидан хабар олишни, совға-саломлар, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни қанда қилмайди.



Халқ депутатлари Конимех туман Кенгаши депутати Улжас Исаев ҳам аҳоли хизматига қамарбаста. Депутатга ишонингиз тушиб кидиргудек бўлсангиз, уни ё ўз сайлов округидаги фуқаролар хонадонидан ёки аҳоли муаммоларини ҳал этиш борасида борган тегишли мутасадди идоралар эшигидан топасиз. Улжас Исаев фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни катта-кичикка ажратиб ўтирмайди. Барчага бирдек ёрдам беришга интилади. Яқинда депутат “Учтепа” овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи кекса ва ногиронлиги бўлган 5 нафар фуқарони эшитиш масаласи, таяниб юриш масаласи ва ҳасса билан таъминлади. Фуқаролар мана шундай ҳўжатбарор инсонни ўзларига депутат этиб сайлаганларидан мамнун.

“Бир кўнгилни эта олсанг шод, Яхшидир ер юзин қилгандан обод”. Халқ депутатлари Хатирчи тумани Кенгаши депутати Тўйибий Ибодова айнан мана шундай ақида билан иш кўрувчи инсонлар сирасидан. Депутат жорий

масалалар киритилиб, Кенгашларнинг тегишли қарорлари қабул қилинмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонунининг вилоятда ижроси, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ички йўллари оид қонунчиликка риоя этиш ҳолати юзасидан олиб борилган ўрганиш якунлари тўғрисида”ги, “Вилоятда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқенини ҳамда гендер тенглик ва оила масалаларини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги, “Навоий вилоятида ёшлар муаммоларининг ҳал этилишига кўмаклашиш, ёш авлодининг истеъдоди ва қобилиятларини ривожлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ҳамда “Навоий вилоятида оилавий ажримларнинг олдини олиш юзасидан олиб борилган ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар тўғрисида”ги масалалар доимий комиссиялар йиғилишларига киритилиб, муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати



# ЯНГИ СТРАТЕГИЯ — ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР



**Музафара АБДИЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

*Маълумки, кейинги йилларда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.*

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 73,8 ёш бўлган. Ушбу кўрсаткич 2021 йил бошида 73,4 ёшни ташкил этган.

Айни кунларда кенг жамоатчилик муҳокамаси учун тақдим этилган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доира-

сида умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш мақсади қилинган. Шунингдек, бюджетдан тиббиётга ажратиладиган йиллик маблағ ҳажмини 2 баробарга ошириш, онкология, юрак-қон томир, диабет, нафас йўллари ва юқумли касалликлар бўйича эрта ўлимни 2,5 баробар камайтириш ҳамда сил касаллиги билан касалланиш даражасини 100 минг аҳо-

лига нисбатан ҳозирги 34 нафардан кескин тушириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, лойиҳада аҳолига бирламчи тиббий хизматни янада яқинлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун келгуси етти йилда 700 та поликлиника барпо этилиб, 28 минг шифо ўринлари яратилади ва 16 минг шифокор штатлари ташкил этилади.

350 минг нафар диабет, 1,5 миллион юрак-қон томир касаллиги бор бемор даволаш билан тўлиқ қамраб олинади. Тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этишга эришилади.

Бу каби ислохотлар нафақат фуқароларимизнинг ўртача умр кўриш давомийлиги ортиши, шу билан бирга, аҳолининг барча қатлами саломатлиги янада яхшиланишига хизмат қилади. Хусусан, болалар ўртасида ирсий касалликлар 2 баробарга камаяди. Ҳар йили икки маротаба 55 ва ундан катта ёшдаги аҳолини 100 фоиз профилактик кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш йўлга қўйилади.

Умуман олганда, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси лойиҳасида нафақат аҳоли саломатлигини асраш шу билан бирга, барча соҳаларда бўлгани каби ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият қаратилган.

Жумладан, таълим тизимининг барча босқичларида бошланган ислохотлар жадаллик билан давом эттирилиши мақсад қилинмоқда. 2023-2030 йилларда болаларни мактабга таълим ва тайёрлов гуруҳлари билан қамраб олиш даражаси 100

фоизга етказилади. Бунинг учун 2 мингта янги боғча бунёд этилади. Мактабга таълим ташкилотлари 100 фоиз тоза ичимлик суви ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминланади.


Шунингдек, умумий ўрта таълим тизимида “Таълим учун қўлай муҳит” дастури амалга оширилади. Натижада, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 500 минг янги қувватлар ташкил этилиб, ўқув ўринлари сони 7,5 миллионга етказилади. 2,5 миллион ўқувчи ўрнига эга мактаблар қуришга 8 миллиард доллар ажратилади.

Ушбу жараёнларда ўқувчи-ёшларимизнинг олий таълим олишга бўлган интилишларини тўлақонли қамраб олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси камиди 50 фоизга етказилиб, давлат гранти асосидаги қабул параметрлари 2 баробарга оширилади. “Топ-500”га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камиди 50 та қўшма таълим дастури ва “икки дипломли тизим” жорий қилинади. 5 та олий таълим муассасаси миллий тадқиқот олийгоҳларига айлантирилиб, қўшимча 120 минг ўринли ўқув бинолари ҳамда 150 минг ўринли талабалар турар жойлари қурилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 5 та йўналиши ва 100 та мақсадлари доирасида мамлакатимизни келгуси етти йилда жадал ривожлантириш орқали дунёнинг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишига эришиш белгиланган.



Уй ёоқ хотиралар



*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” ишори остида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Шараф йўли” романи ҳамда шоира Сайёра Тўйчиевнинг “Шарофнома” номли дoston ва эсселар тўплами тақдими бўлиб ўтди.*

**М.КАМОЛОВ**

Тақдимот йўғинини олиб борган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ушбу янги асарлар Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган маърифий лойиҳаларнинг узвий қисми эканини таъкидлади.

– Шароф Рашидов халқимизнинг асл ва суюкли фарзанди бўлиш билан бирга ижод аҳлига, умуман, одамларга жуда меҳрибон, эътиборли инсон, буюк қалб соҳиби эди, – деди Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. – Давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов юртимизнинг озодлиги, тўқинлиги йўлида умрини бахшида этган, қалтис замонлардан, тўфонлардан халқимизни омон олиб чиққан эди. Улуғ устоз Шароф Рашидовнинг буюк шахс сифатидаги сиймоси таниқли адиб Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Шараф йўли” романи ҳамда Сайёра Тўйчиевнинг “Шарофнома” номли дoston, эсселар тўпламида ҳаётини ва таъсирчан мисоллар ёрдамида очиб берилган. Ушбу нашрларда жуда қимматли ва керакли, жиддий факт ва маълумотлар келтирилганки, улар Шароф Рашидовнинг буюк сиймосини тўлақонли очиб беришга хизмат қилади.

– Мазкур нашрлар тақдими Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллигига бағишлаб ўтказилаётганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор, – деди таниқли журналист Маматқул Ҳазратқулов. – Негаки, атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов юрагида, ўй-хаёлида, амалий ҳаракатлари ва ташаббусларида мамлакатни, халқни озод, обод, тўқин ва фаровон кўриш иштиёқи билан яшаган инсон эди. Дунёга таниқли шахслар ҳақида асар ёзиш жуда қийин ва масъулиятли вазифадир. Шу маънода асар муаллифи Абдуқаюм Йўлдошев ғоят катта машаққат билан, фактлар асосида мазкур тарихий романи яратган.

Тақдимот тадбирида сўзга чиққан “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев, “Маънавий ҳаёт” журнали бош муҳаррири Эшқобил Шукур, журналистлар Шухрат Жабборов, Муқаддас Абдусаматова ва бошқалар атоқли жамоат ҳамда давлат арбоби Шароф Рашидовнинг халқимиз, Ўзбекистон ҳаётида тутган бениҳоя улкан ўрни ва хизматлари, одамлар оғирини энгил қилиш, заҳматларни муносиб энгил ўтишдаги жасорати хусусида сўз юритдилар.

– Миллат қалбида умрбод яшаб қолиш ва ўз ибрат мактабини яратиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, – деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Маҳмуд Тоир. – Бир инсон ҳақида икки ижодкорнинг асари тақдими илк марта ўтказилмоқда. Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Шараф йўли” романи Эркин Аъзамдек талабчан адиб муҳаррирлигида нашр этилгани аҳамиятлидир. Қўлига қалам тутган ижодкор борки, Шароф Рашидов ҳақида ёзишни истайдиган. Бугун тақдими бўлиб ўтаётган китоблар Шароф Рашидовнинг табарруқ сиймосини тeрaнpoқ очиб беришга хизмат қилади.

Ҳаёт давом этмоқда. Кимники ёд этиб, унинг умр йўлига нигоҳ ташласак, аввало, ўзимизга, ўзлимизга назар солган бўлаемиз. Шароф Рашидов ҳақидаги ушбу китобларга жамланган хотиранлар эса ҳар бир ўзбек учун ўзлиги, тарихи ва бугунига назар солиш, ўз ҳаётини тадқиқ этишга имкон беради. Шароф Рашидов халқимиз қалбида, авлодлар хотирасида, миллат ва мамлакат тарихида ёрқин сиймо, ўз умрини халқига бахш этган буюк инсон сифатида қолади.

Шоир айтмоқчи:

**Халқим, ниятлари улуг донишм,  
Ниятга муносиб ифозинг бекам,  
Ўзбек деганлари катта халқ эрур,  
Шу боис улугдир фарзандлари ҳам!**

Муносабат

# ИНСОН СОҒЛИГИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

*Оториноларингология йўналиши тиббиёт соҳасининг бошқа йўналишлари каби инсон саломатлигини асрашда муҳим роль тутади.*

Маълумотларга кўра, даволаш муассасаларига мурожаат қилган беморларнинг 30 фоизи шу йўналишдаги, яъни юқори нафас йўллари яллиғлини ёки қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари билан мурожаат қилишади.

**Тозагул ХОЛИҚОВА,**  
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати,  
Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари



Шу боисдан ҳам айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Оториноларингология хизматини такомиллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжатдир.

Қарорда соҳада тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, бу йўналишда нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, давлат муассасаларининг моддий-техника базасини янада

мустаҳкамлаш, илм-фанни ривожлантириш орқали аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, инсон манфаатларини таъминлаш масаласи бош мақсад сифатида белгилаб олинган.

Қарорга кўра, 2023-2024 йилларда кўп тармоқли марказий поликлиникалар, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларини замонавий зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш соҳада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда заиф эшитадиган болалар учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан йилга камиди қўшимча 2000 та рақамли эшитиш мосламалари билан таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар қан-

чадан-қанча ўқсик дилларга қувонч бағишлайди.

Қарор билан яқиндан танишиб чиқар эканман, хаёлимга давлатимиз раҳбарининг “...Биз ҳаётда ўзини тўла оқлаган “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало, инсон учун” деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда ижтимоий соҳадаги ислохотларни, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш йўлини давом эттирамиз”, деган сўзлари келди. Албатта, аҳоли саломатлиги давлатимиз томонидан юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим ва устувор йўналишларидан биридир. Бу эса жамиятимизда инсон, унинг манфаатлари, жумладан, соғлиги энг олий қадрият эканлигининг ёрқин намунасидир.

# Ривожланишнинг муҳим манбаси

*Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқбол учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, ишжўяли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди. Ёшларга сифатли таълим бериш, касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.*

**Ҳаётжон ТОЛИБЖОНОВ,**  
Тошкент давлат юридик университети жиний одил судлов факультети тьютори

Шунингдек, алоҳида эътибор ва кўмакка муҳтож ёшлар билан манзилли ишлаш мақсадида “Ёшлар дафтари” ва

жамғармаси ташкил этилди. Иқтидорли ёшларнинг энг яхши гоё, стартап ва лойиҳаларига қўлай ва энгил шартларда фо-

изсиз кредитлар ажратилмоқда. ИТ-парклар бўйича тажрибадан келиб чиқиб, худудларда “Креатив парк”лар ташкил этилиб, уларга ҳам имтиёз ва энгилликлар қўлланилмоқда.

Умуман олганда, бугун ёшлар билан ишлаш барча раҳбарларнинг, кенг жамоатчиликнинг, бутун жамиятимизнинг ва парламент аъзоларининг энг устувор вазифасига айланди. Натижада, мамлакатимиз ёшларининг ўзига ва келажигига бўлган ишончи ортиб, халққаро майдонларда ҳар бир соҳа ва йўналишларда муносиб ўринларни эгаллашмоқда.

Албатта, мамлакатимизда таълим соҳасига бу даражада эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон та-

раққиётининг яқою ягона тўғри йўли саналади.

Шу нуқтага назардан, бугун юртимизда ёшларимизга таълим бериб келаётган ўқитувчиларга эътибор, муносабат тўдан ўзгариб бормоқда. Педагог устозларимизнинг ойлук маоши муттасил ошириб боришмоқда. Ўқитувчиларга имтиёзли истеъмол кредитлари бериш, олис худудларга бориб ишлаётган юқори малакали педагоглар учун устамалар белгилаш жорий этилган. Бу саъй-ҳаракатлар орқали таълим соҳаси вакилларининг жамиятдаги ўрни ва мақоми яна бир қарра юксалди. Ўқитувчиларимизнинг дунёқарашини ўзгариб, доимий излаш, янгиликка интилиб, ёшларга билим улашмоқдалар.

Янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг 52-моддаси иккинчи қисмида ҳам давлат ўқитувчиларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ҳамхўрлик қилади, деб белгилаб қўйилди. Чунки таълим сифатини замонавий билимларга эга устоз ва мураббийсиз, ўқитувчиси таъминлаб бўлмади. Бунинг учун эса ўқитувчининг ижтимоий ва моддий жиҳатига алоҳида ҳамхўрлик қилиш, унинг хурматини жойига қўйиш зарур бўлади.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, мамлакатимизда узлуксиз ҳамда профессионал таълим ёшларимизнинг фаол ва етук шахс бўлиб етишиши учун хизмат қилмоқда ва бунинг учун барча шарт-ша-

роитлар яратилган. Жамият ривожиди, мамлакатимиз тараққиётида фан ва таълим ажратиб бўлмас манбага айланган бўлган.

Зеро, давлат раҳбарининг “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш мақсадида улғун қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий гоямизини асосий устувлари бўлиб хизмат қилиши лозим”, деган сўзлари, албатта таълим, фан ва инновацияларнинг янада барқарор ривожланишига эътибор янада, қучайтирилаётганидан далолат беради.

